

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛАБАЕВ САЛАУАТ БАХИТБАЙ УЛИ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИДАГИ КЎЛЛАРНИНГ
ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ МОНИТОРИНГИ**

11.00.03-Қуруклик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on geographical
sciences**

Калабаев Салауат Бахитбай ули

Жанубий Оролбўйи худудидаги кўлларнинг гидрологик режими ва ҳозирги
ҳолати мониторинги.....3

Калабаев Салауат Бахитбай ули

Гидрологический режим и мониторинг современного состояния озер на
территории Южного Приаралья.....21

Kalabaev Salauat Bakhitbay uli

Hydrological regime and monitoring of the current state of lakes in the Southern Aral
Sea region.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЛАБАЕВ САЛАУАТ БАХИТБАЙ УЛИ

**ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ХУДУДИДАГИ КЎЛЛАРНИНГ
ГИДРОЛОГИК РЕЖИМИ ВА ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ МОНИТОРИНГИ**

11.00.03-Қуруклик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2025

География фаълари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.4.PhD/Gr291 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.nigmi.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аденбаев Бахтиёр Ембергенович
география фаълари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Муродов Шухрат Одилевич
техника фаълари доктори, профессор

Пирназаров Равшан Топволдиевич
география фаълари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти хузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «4» июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+99871) 2358512, факс: (+99871) 2371319, E-mail: info@nigmi.uz).

Диссертация билан Гидрометеорология илмий-тадқиқот институтининг Илмий-техникавий кутубхонасида танишиш мумкин (№ 230 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент ш., Бодомзор йўли 1-тор кўчаси, 72. Тел.: (+99871) 2358512, факс: (+99871) 2371319, E-mail: info@nigmi.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «19» июнь кунни тарқатилди.
(2025 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).



Б.М.Холматжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.Э.Нисонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.н., катта илмий ходим

Д.М.Тургунов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги кунда дунёда, айниқса, арид минтақаларда глобал миқёсда рўй бераётган иқлим ўзгариши туфайли сув ҳавзалари деградацияси йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бутунжаҳон сув ресурслари ҳолати ҳақидаги ҳисоботида “ ... жаҳондаги кўплаб мамлакатларда чучук сув экотизимлари, хусусан, дарёлар, кўллар кучли деградацияга учрамоқда. Кўлларнинг сув сатҳи ва майдони қисқариб, баъзилари тўлиқ йўқолиш хавфи остида турибди”¹, деб таъкидланган. Бу ҳолат арид иқлимли ҳудудлардаги кўлларнинг гидрологик режими ва уларнинг мониторингига қаратилган тадқиқотларни олиб боришни талаб этади.

Жаҳонда табиий сув ҳавзалари, жумладан, кўлларнинг сув баланси, гидрометеорологик режимини, хусусан, сув сатҳи режимини ва бу жараёнга боғлиқ ҳолда уларнинг морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариши, ҳарорат режимини, гидрохимёвий хусусиятларини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан боғлиқ ҳолда, сув ҳавзалари объектлари ҳолати мониторингини ташкил этишда ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш усулларини қўллаш масалалари кўплаб тадқиқотчиларни ўзига жалб этмоқда. Айни пайтда, мураккаб экологик шароитдаги деградацияга учраётган кўллар мониторингини олиб бориш, уларнинг морфометрик кўрсаткичларини аниқлаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сув ҳавзалари, жумладан, Жанубий Оролбўйи минтақасидаги кўлларнинг гидрологик режими ва ҳозирги ҳолати мониторингини ташкил этиш, уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян ижобий натижаларга эришилмоқда. Жумладан, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 69-мақсадида «Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни барқарорлаштириш, Орол денгизи куриши натижасида юзага келган экологик муаммоларнинг салбий таъсирини юмшатиш»² бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу мақсадга эришиш Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги кўлларнинг гидрологик режимини ҳар томонлама ўрганишни кўзда тутди. Бу борада мазкур ҳудуддаги кўллар сув баланси кирим ва чиқим қисмларини миқдорий баҳолаш, улар мониторингини олиб боришга қаратилган тадқиқотлар муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 18 январдаги “Орол денгизининг суви қуриган тубида ва Оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” – ҳимоя ўрмонзорларини барпо этишнинг қўшимча

¹ Three reports on freshwater from UN-Water and the United Nations Environment Programme (UNEP). Nairobi, 28 august 2024. <https://www.unep.org/news-and-stories/press-release/half-worlds-countries-have-degraded-freshwater-systems-un-finds>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030 стратегияси тўғрисида”ги ПФ-158-сон Фармони. [https:// www.lex.uz](https://www.lex.uz) .

чора-тадбирлари тўғрисида”ги 31-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги “Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури ва глобал экологик жамғарма иштирокида «Орол денгизи ҳавзаси ландшафтининг таназзул ерларида барқарор ҳаётни таъминлашни кўллаб-қувватлайдиган асос сифатида кўллар, сув-ботқоқ ерлар ва қирғоқбўйи ҳудудларни сақлаш ҳамда бошқариш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 686-сон Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Арид ҳудудлардаги кўллар ва уларнинг гидрологик режимини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар S.K.McFeeters, P.Xu, F.Sun, G.L.Feyisa, J.F.Pekel, J.Benveniste, C.Birkett, S.Calmant каби хорижлик олимлар томонидан амалга оширилган.

Ушбу масала билан собиқ Иттифоқ ва МДХ мамлакатлари олимларидан Л.С.Берг, Г.В.Лопатин, Р.С.Деньгина, И.П.Герасимов, М.М.Рогов, В.Л.Шульц, И.В.Рубанов, Д.В.Севастьянов, В.Аленицин, В.А.Бондар, Б.В.Андрианов, О.М.Житомирская, Б.Д.Зайков ва бошқалар шуғулланганлар.

Ўзбекистонда текислик ва тоғ кўлларнинг сув сатҳи режими, сув баланси ва уларнинг элементларини миқдорий баҳолаш масалаларига бағишланган тадқиқотлар А.М.Никитин, У.Аширбеков, А.Б.Бахиев, А.А.Рафиқов, В.А.Духовный, Е.Курбанбаев, Г.Н.Трофимов ва бошқалар томонидан бажарилган. Охириги йилларда мазкур муаммони ўрганиш билан В.А.Рафиқов, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, А.К.Курбаниязов, С.Е.Курбанбаев, Ш.М.Кенжабаев, Б.Е.Аденбаев, С.В.Мягков, Ф.Я.Артикова, И.В.Дергачёва каби тадқиқотчилар шуғулланмоқдалар.

Мазкур диссертация иши Жанубий Оролбўйи кўлларининг гидрологик режимини ўрганиш ва уларни масофадан зондлаш маълумотлари асосида мониторингини ташкил этиш масалаларига бағишланганлиги билан аввалги тадқиқотлардан ажралиб туради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ғ-5-13 – «Иқлим ўзгариши шароитида Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлардаги дарёлар гидрологик режими ва сув ресурсларининг шаклланиш қонуниятларини тадқиқ этиш» (2017-2020 йй.) фундаментал, Қорақалпоқ давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ІІ-632204180 – «Орол денгизи қуриган туби ҳудудида биопрепаратларни жорий қилган ҳолда тупроқ хоссаларини яхшилаш ва минераллашган коллектор-зовур сувларини яйлов экинларини етиштиришда фойдаланиш орқали тузга чидамли турларини

танлаш» (2022-2024 йй.) ва Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ALM-202403110252 – «Ўзбекистондаги табиий кўлларнинг гидрологик режимини замонавий географик ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда моделлаштириш» (2024-2026 йй.) мавзуларидаги амалий тадқиқотлар лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жанубий Оролбўйи ҳудудида жойлашган кўлларнинг гидрологик режимини баҳолаш ва улар мониторингини масофадан зондлаш усуллари кўллаш асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги кўллар гидрографияси, морфометриясига оид материалларни тўплаш, тизимлаштириш ва маълумотлар базасини яратиш;

кўлларнинг сув сатҳи режимини ердан кузатиш ва сунъий йўлдошлар маълумотлари асосида қиёсий ўрганиш ҳамда бу борада альтиметр радарини кўллаш имкониятини аниқлаш;

ўрганилган ҳудуддаги кўлларнинг морфометрик кўрсаткичларини масофадан зондлаш маълумотлари асосида аниқлаш;

кўллар гидрологик режимининг турли фазалари (кўлда сув пайдо бўлиши, тўлиб бориши, ўзгариши) рақамли хариталарини тузиш;

кўллар сув баланси тенграмасини тузиш ва унинг кирим ва чиқим қисмлари элементларини миқдорий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жанубий Оролбўйи ҳудудида жойлашган Судочье, Мўйноқ кўрфази, Сарибас, Междуречье, Дауткўл ва Жилтирбас кўллари танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини иқлим ўзгариши шароитларида Жанубий Оролбўйи ҳудудида жойлашган кўлларнинг гидрологик режими, сув балансининг кирим ва чиқим компонентлари ва улар мониторингини масофадан зондлаш маълумотлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда гидрологик ҳисоблашлар, математик статистика ва эҳтимоллар назарияси, ерни масофадан зондлаш (ЕМЗ), сунъий йўлдош тасвирларини дешифровкалашнинг “water index”, сув баланси усулларидан, шунингдек, кўл сув сатҳининг узоқ муддатли сунъий йўлдош альтиметр ёзувларида бўшлиқларни тўлдириш учун чизикли интерполяция, к-энг яқин кўшнилар, 2- ва 3-даражали полином интерполяция ва Эрмит куб бўлакли интерполяция усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Жанубий Оролбўйи кўлларининг гидрографик, морфометрик (F, км²; L, км; B, км) кўрсаткичлари масофадан зондлаш маълумотлари асосида аниқланган ҳамда ҳудуднинг гидрографик хусусиятларини акс эттирувчи харита ишлаб чиқилган;

альтиметр радари маълумотлари ёрдамида Жанубий Оролбўйи кўллари сув сатҳининг кўп йиллик ўзгаришлари баҳоланган;

кўллар сув юзаси майдонининг 2008-2022 йиллардаги ўртача йиллик қийматлари MNDWI (Modified Normalized Difference Water Index) усули асосида аниқланган;

кўллар мониторинги натижалари асосида “Кўлда сув пайдо бўлиши”, “Кўлда сув пайдо бўлиши жадаллигининг ўзгариши” ва “Кўлда ўтиш фазалари” рақамли хариталари яратилган;

кўллар сув баланси тенгламалари тузилган ва уларнинг таркибий қисмлари (атмосфера ёғинлари, кирувчи оқим, буғланиш, чиқувчи оқим) миқдорий баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жанубий Оролбўйи ҳудудидаги кўлларнинг турли йиллардаги гидрологик ҳолатларни таҳлил қилиш асосида ҳудуднинг гидрографик харитаси аниқлаштирилган;

кўллардаги сув сатҳини альтиметр радари билан аниқлаш имкониятлари асосланган;

кўллар сув юзаси майдонини MNDWI индекси билан ҳисоблаш орқали маълумотларнинг аниқлиги орттирилган;

кўлларда ҳимоя объектларини қуриш ва уларнинг эксплуатацияси самарадорлигини яхшилашга имкон берадиган кўллар ҳолатларининг рақамли хариталари тузилган;

сув баланси тенгласини ечишнинг ишлаб чиқилган алгоритмидан фойдаланиб кўллар сув балансини ташкил этувчилари миқдорий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги Оролбўйи дельта бошқармаси ҳамда Давлатлараро мувофиқлаштирувчи сув комиссиясининг Илмий ахборот маркази материалларидан бирламчи манба сифатида фойдаланилганлиги, ушбу материаллар муаллифнинг кўллар бўйича экспедицион кузатувлар ва дала-тажриба маълумотлари билан бойитилиб, умум қабул қилинган, математик статистика усуллари билан қайта ишланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг мазкур йўналишда бошқа тадқиқотчилар томонидан олинган маълумотларга мослиги, ишлаб чиқилган хариталар, хулосалар, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, диссертацияда кўлларнинг гидрологик режими элементларини ҳисоблаш, шунингдек, морфометрик кўрсаткичлари жумладан, сув юзаси майдони, сув ҳажмини аниқлашда қўлланилган усуллар ва илмий ёндашувлардан бошқа ҳудудлардаги кўлларни гидрологик нуқтаи назаридан ўрганишда, улардаги сув ҳажмини миқдорий баҳолашда ва мониторингини олиб боришда фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги билан изоҳланади.

Диссертация тадқиқоти натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишда олинган асосий хулосалар ва тавсиялардан кўлларнинг ҳимоя объектларини қуриш ва тўғри жойлаштириш, сув ресурсларини самарали бошқариш ва улардан фойдаланиш стратегияларини ишлаб чиқишга қаратилган чора-тадбирларни белгилашга, шунингдек, республикамиз олий таълим тизимининг гидрология соҳасига тегишли йўналишлари ва

мутахассисликларида ўқув жараёни сифатини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жанубий Оролбўйи худудидаги кўлларнинг гидрологик режими ва ҳозирги ҳолати мониторинги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

масофадан зондлаш усулларини кўллаш асосида ишлаб чиқилган Жанубий Оролбўйи кўллар гидрографиясининг ҳозирги ҳолати хусусиятларини акс эттирувчи худуднинг гидрографик харитаси Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 21 октябрдаги 01/09-3-413-сон маълумотномаси). Натижада Оролбўйи кўллари ҳақидаги янги гидрографик маълумотларни тизимлаштириш имкониятлари яратилган;

инструментал ўлчовлар билан сунъий йўлдош маълумотларини математик статистик қайта ишлаш асосида кўллардаги сув сатҳини альтиметр радари ёрдамида аниқлаш усули Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 21 октябрдаги 01/09-3-413-сон маълумотномаси). Натижада кўллардаги сув сатҳи кузатишларини тўғри олиб борилганлигини текширишга ҳамда реал вақт режимига яқин вақтда сув сатҳи ҳақида маълумотларни олиш имконини берган;

сунъий йўлдош тасвирларни дешифровкалашнинг MNDWI индекси усулида ҳисобланган кўллар сув юзаси майдонларининг 2008-2022 йиллар оралиғидаги ўртача йиллик қийматлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида кўлларни мониторинг қилишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 21 октябрдаги 01/09-3-413-сон маълумотномаси). Натижада мазкур индекс ёрдамида кўллар сув юзаси майдони ҳисоблаш орқали маълумотларнинг сифатини ошириш имконини берган;

кўллар сув юзасининг 1984-2021 йиллардаги мониторинг материаллари натижалари асосида ишлаб чиқилган хариталар Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида амалиётга жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 21 октябрдаги 01/09-3-413-сон маълумотномаси). Натижада олинган картографик материаллар Оролбўйи дельта бошқармаси мутахассисларига кўлларнинг ҳимоя объектларини қуриш ва тўғри жойлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятларини яратган;

ўрганиш даврида тузилган кўлларнинг сув баланси тенгламаси ва сув баланси таркибий қисмларининг (атмосфера ёғинлари, кирувчи оқим, буғланиш, чиқувчи оқим) миқдорий қийматлари Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Оролбўйи дельта бошқармасида амалиётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 21 октябрдаги 01/09-3-413-сон маълумотномаси). Натижада кўллар сув баланси элементларининг умумий динамикасини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзунинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, ишнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги қайд этилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баҳоланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жанубий Оролбўйи гидрографиясидаги ўзгаришлар ва унинг ҳозирги ҳолати тавсифи”** деб номланган **биринчи бобида**, Жанубий Оролбўйи ҳудуди гидрографик тармоқларининг аввалги ва ҳозирги ҳолати ҳамда сўнгги йиллардаги ўзгаришлари кўриб чиқилган. Жумладан, Амударё дарёсининг асосий ва эски ўзанлари, вақтинчалик ва турғун кўл типидagi сув ҳавзалари, коллектор-зовур тармоқлари, суғориш каналларига тавсиф берилган, шунингдек, денгизнинг эски соҳилбўйи гидрографик хусусиятлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертацияда Жанубий Оролбўйи гидрографиясидаги ўзгаришларни тавсифлашда собиқ Иттифок ва МДҲ мамлакатлари олимлари Л.С.Берг, Г.В.Лопатин, Р.С.Деньгина, И.П.Герасимов, М.М.Рогов, В.Л.Шульц, И.В.Рубанов, В.А. Бондарь, А.М.Никитин, У.Аширбеков, А.Б.Бахиев, А.А.Рафиқов, В.А.Духовный, Е.Курбанбаев, В.А.Рафиқов, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, А.К.Курбаниязов ва бошқалар томонидан олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижалари методологик асос сифатида қабул қилинган.

Жанубий Оролбўйи ҳудудининг гидрографик тармоқлари М.М.Рогов томонидан батафсил тавсифланган. У ҳудудни 5 та катта ва 14 та кичик ҳудудларга ажратган (1-расм). Бироқ, бугунги кунга келиб, мазкур ҳудудда 40 дан ортиқ кўллар куриб қолиши ҳисобига гидрографик тармоқлар тузилишида маълум бир ўзгаришлар кузатилган.

Юқори дельта худуднинг шарқий чегараси дельтанинг бошланишидан Қизкеткен суғориш тизимининг ғарбий чеккаси бўйлаб Шахамонгача чўзилган. Шимолий чегараси эса Қушқонатау тепалигининг шимолий этагидан ўтади, сўнгра Эркиндарёнинг қуруқ ўзани бўйлаб юқорига кўтарилади. Бу ердан Амударё ва Раушан каналининг чап қирғоғи бўйлаб Қўнғиротгача чўзилади. Қўнғиротдан Суенли каналнинг ўнг қирғоғи бўйлаб дельтанинг юқори ғарбий чегарасига ўтади. Ушбу худудни сув билан таъминловчи асосий манба Амударё ҳисобланади.



1-расм. Жанубий Оролбўйи гидрографик харитаси
 I-юқори дельта худуди, II-ўрта дельта худуди, III-қуйи дельта худуди, IV-шимолий-ғарбий худуди, V-шимолий-шарқий худуди, 1-ғарбий худуд, 2-марказий худуд, 3- шарқий худуд

Худуднинг ўнг қирғоқ ўрта қисмида, умумий майдони 200 км² бўлган нисбатан катта ерлар суғориш каналлари орқали суғорилади. Ушбу массивнинг жанубий қисми Амударёдан сув оладиган Катагар, Шортанбай каналлари билан суғорилади. Мазкур худудидаги энг катта кўллардан бири Дауткўл, у Бозатау ва Кердерарна каналлари орқали тўйинади ҳамда ундан Эркиндарё канали орқали сув чиқиб кетади. Кўлнинг умумий майдони 28 км², қирғоқ чизиғи узунлиги эса 32,72 км ни ташкил этади (2020 йил ҳолатига кўра). Кўлнинг максимал чуқурлик 7 м га, ўртача чуқурлик эса 1,5-2,0 метрга тенг. Кўлнинг шарқий қисмида 1969 йили узунлиги 37 км га тенг бўлган дамба қурилган. Тадқиқот натижасида

сунъий йўлдош тасвирларидан олинган маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки охириги йилларда, айниқса июль-август ойларида кўл бутунлай куриб қоляпти.

Ўрта дельта гидрографиясини иккита мустақил Эркиндарё ва Раушан ҳудудларга ажратилади. Мазкур ҳудудда жойлашган Қопақкўлга Амударёдан Эркиндарёнинг эски ўзан орқали, шунингдек дарё тошқин кузатилганда, қирғоқбўйи тошқинлар орқали тўйинган. Сўнги қирғоқчил йилларда бутун минтақадаги сув хавзалари деярли куриб кетган.

Қуйи дельта гидрографияси анча мураккаб, юқори динамик гидрографик тармоқлари сабабли Ақ-ўзек, Амударё-Қипчоқдарё, Мақпал, Амударё-Улкендарё, Закиркўл ва Аванделта сингари кичик ҳудудлар ажратилган.

Денгизнинг эски соҳилбўйи гидрографик хусусиятлари гидрологик шароитга кўра, урта йирик Ғарбий, Марказий ва Шарқий ҳудудга бўлинган. Уларнинг ҳар бирида яна бир нечта кичик ҳудудларга ажратилган. Ғарбий ҳудудга Аджибай ва Мўйноқ қўлтиқлари ва очиқ денгиз қирғоғининг кичик майдони киради. Ушбу қўлтиқларда денгиз сувларнинг асосий сув айланиш оқимидан ажратилганлиги туфайли анча ўзига хос гидрологик режим шаклланган. Ғарбий ҳудудда 2003 йилда СФП-974357 лойиҳа доирасида Аджибай қўлтиғининг ўрнига сув сифими 258,6 млн м³, майдони 281,3 км² бўлган Аджибай-1 польдер барпо этилган. Польдернинг шимолий қисмида 18 км узунликда, баландлиги 1,5-3 м бўлган дамба курилган. Польдерга СА канали орқали максимал 52,5 м³/с миқдорга тенг бўлган сув сарфи Судочье кўллар тизимидан олинади. Кўп сувли йилларда польдерда сув тошиб кетса, сувни Орол денгизи томон оқизиб юбориш учун максимал сув сарфи 51 м³/с га мўлжалланган АА-1 канали қазилган.


Марказий ҳудуднинг чегараси ғарбда Мўйноқ ярим оролининг ғарбий қирғоғи ва шарқда Аққала бурни орасидаги денгиз қирғоғининг бир қисмини эгаллаган. Бу ерда ҳам денгиз соҳили 200 км шимолга чекинган, 2003 йилда сув сифими 390,4 млн м³, майдони 174,4 км² га тенг бўлган Аджибай-2 польдер барпо этилган. Унинг шимолида узунлиги 39,2 км, баландлиги 1,5-3 м бўлган дамба курилган. Бу польдерга Ақдарёдан Инженер-ўзек ҳамда Сарибас кўлидан сув олувчи РА-1 каналлар орқали сув ташланади.

Шарқий ҳудуд Аққала бурнининг шарқида жойлашиб, майдони ва ҳажми бўйича энг катта денгиз бўйидаги ҳудуд ҳисобланади. Ушбу ҳудудда денгиз соҳили 200 км шимолга чекинган 2003 йилда сув сифими 894,8 млн м³, майдони 624,2 км² бўлган Жилтирбас-1 польдер барпо этилган. Унинг шимолида узунлиги 54 км, баландлиги 1,5-3 м бўлган дамба курилган. Польдерга ДД-1 канали орқали Жилтирбас кўлидан, ДЗ-1 канали орқали Домалақ кўллар системасидан сув келиб қуйилади.

Диссертация ишининг **“Жанубий Оролбўйи кўллари ва уларнинг сув сатҳи режимини ер усти ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида ўрганиш”** деб номланган **иккинчи бобида** кўлларнинг сув сатҳи режими ҳамда сув сатҳининг йиллик ўзгаришлари ер усти ва сунъий йўлдош маълумотлари асосида ёритилган.

Диссертацияда кўллар сув сатҳининг кўп йиллик ва йиллик тебраниш амплитудасининг турли омилларга боғлиқ ҳолда ўзгариши, жумладан, иқлим шароитига, тўйиниш турига, сув тўпланишига, кўл катталигига, геологик тузилишига ва бошқа омилларга боғлиқлиги таҳлил қилинган. Табиий кўллар сув сатҳи тебраниш амплитудасининг мутлақ қийматлари юқоридаги шароитларнинг комбинациясига қараб ўнлаб сантиметрдан 2-4 м гача ўзгариб туради. Кўлларда ўрганиш давомида (2008-2022 йй.) сув сатҳининг амплитудаси 0,23-4,24 м оралиғида ўзгарганлиги аниқланган.

Ўрганиш даврида кўлларда сув сатҳининг қийматлари: Жилтирбасда 50,63 м дан 52,03 м гача, Междуречьеда 51,77 м дан 56,01 м гача, Сарибасда 48,58 м дан 52,44 м гача, Мўйноқ кўрфазида 50,22 м дан 52,36 м гача, Судочьеда 50,71 м дан 53,24 м гача, Дауткўлда 62,00 м дан 63,97 м гача ўзгарган. Кўлнинг кўп йиллик сув сатҳи режимининг ўзгариши ҳар хил омилларга боғлиқ. Бу омилларнинг улишини сув баланси тенграмасини таҳлил қилиш орқали (м³) баҳолаш мумкин. Кўлларга 2008-2022 йилларда жами 55,81 км³ миқдорида сув келиб тушган, шунинг 30,07 км³ миқдори қуйи кўллар ҳамда денгиз томон оқизиб юборилган. Кўлларга 2010 йилда энг кўп сув, яъни 17,02 км³ қуйилган, шундан 12,81 км³ қуйи кўллар ҳамда денгиз томонга оқизиб юборилган, кўлларнинг ўзида 4,21 км³ ҳажмдаги сув ушлаб қолинган. Натижада максимал сув сатҳи ҳам 2010 йилда кузатилган. Жумладан, сув сатҳи Жилтирбасда 52,37 м, Междуречьеда 56,78 м, Сарибасда 52,37 м, Мўйноқ кўрфазида 51,71 м, Судочьеда 52,43 м, Дауткўлда 65,38 м гача кўтарилган (2-расм).



2-расм. Кўлларга қуйилган ва денгиз томон ташланган оқим миқдори ҳамда йиллик ўртача сув сатҳининг йиллараро тебраниши (Оролбўйи дельта бошқармаси маълумотлари асосида)


Кўллар сув сатҳининг мавсумий ўзгариши дарё оқимининг мавсумлар давомида ўзгариши ва метеорологик шароитига боғлиқдир. Сув сатҳининг мавсумий тебранишларини ўрганиш давомида ўртача ойлик сув сатҳининг энг кичик қиймати турли хил мавсумларда кузатилган. Мўйноқ кўрфазида сув сатҳи

ёз ойининг охирида, куз ойларида 49,5 м пасайиши кузатилган. Аксинча, Жилтирбас кўлида, қишнинг охири ҳамда баҳор ойларида сув сатҳи 50-51,0 м гача пасайиб, ёз ойларидан бошлаб қишнинг охиригача сув сатҳида кўтарилиш тенденциялари кузатилган. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, кўллардаги мавсумий сув сатҳи тебранишлари, Амударё оқимининг қишлоқ хўжалигига қайта тақсимланиши билан бевосита боғлиқ. Айниқса, ККС, КС-1, КС-3 коллектордан ва Амударёдан тўйинувчи кўллар сув сатҳининг мавсумий тебранишларида буни яққол кўриш мумкин.

Жанубий Оролбўйи кўллари сув сатҳи баландлигини аниқлаш учун G-REALM базасидан 1992 йил 1 октябрдан 2023 йил 31 декабригача ўлчанган маълумотлар танланган. Ушбу маълумотлар кўлдаги сув сатҳининг йиллик ўзгарувчанлигини ўрганиш ва маълумотларини кўлдаги сув сатҳи ўлчаш станцияларидаги in-situ ёзувлари билан солиштириш учун фойдаланилган.

Сунъий йўлдош маълумотларининг етарли сонининг мавжудлиги, ниҳоят тузатиш учун ердаги ва сунъий йўлдош кузатувлари таққосланадиган даврни белгилаш мумкин. Узок муддатли сунъий йўлдош альтиметр ёзувларида бўшлиқларни тўлдириш учун чизикли интерполяция, к-ЭНГ яқин қўшнилар, 2- ва 3-даражали полиноминал интерполяция ва Эрмит куб қисмли интерполяцияси фойдаланилган.

Судочье кўли сув сатҳининг ердаги ва сунъий йўлдош қийматларидаги ўзгаришларнинг бирлаштирилган хронологик графиклари чизилганда уларнинг тебранишида умумий тенденция кузатилган (3-расм).



3-расм. Судочье кўли сув сатҳининг альтиметр, ердан кузатиш (in-situ) ва тузатилган қийматларининг хронологик графиги


Сунъий йўлдош сериясидаги нотўғрилиқни истисно қилиш учун унинг барча стандарт қийматлари сунъий йўлдош ва ер сериясининг ўртача (медиян) қийматлари ўртасидаги фарқ қийматига тенг миқдор билан тузатма киритилган ҳамда амалиётда фойдаланиш имконияти яратилган. Ўрганиш натижасида маълум

бўлдики, 2008-2021 йиллар оралиғида Судочье кўли сув сатҳининг кўп йиллик амплитудаси 2,80 м (G-REALM) ва 2,53 м (In-situ) га тенг бўлган.

Диссертациянинг 3-боби “Жанубий Оролбўйи кўллари морфометрик кўрсаткичларининг ўзгариши ва уларни миқдорий баҳолаш” деб номланади. Ушбу бобда дастлаб кўлларнинг сув юзаси майдонини аниқлашда космик тасвирларни дешифровкалашнинг WRI, NDWI, MNDWI, AWEIsh ва AWEInsh усул хусусиятлари кўриб чиқилган. Сўнг бобнинг якунида сув юзасини аниқлашда натижанинг аниқлиги ва вақт сарфи бўйича MNDWI (1,27%) ва AWEIsh (3,05%) индекслари яхши натижа қайд этганлиги сабабли, кўл сув юзасини ҳисоблаш мазкур усуллар таклиф этилган.

Диссертацияда Жанубий Оролбўйидаги сув ҳавзаларида содир бўлган ўзгаришларни ўрганиш учун АҚШ Геология хизмати (USGS) платформасидан ўрганиш даврига (2008-2022 йй.) тегишли Landsat 7, 8, 9 сунъий йўлдошларидан олинган 144 та тасвирлар қайта ишланган ва таҳлил қилинган.

Сунъий йўлдош тасвирларини танлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш, шу жумладан MNDWI индексини ҳисоблаш Google Earth Engine (GEE) платформасида бажарилган. Кейинги босқичда, ArcGIS дастурида Image Classification ва Spatial Analyst воситалари ва сунъий йўлдош тасвирларини талқин қилишнинг кўриб чиқилган усулларидадан фойдаланган ҳолда кўлнинг майдони ҳисобланган. Жанубий Оролбўйи кўллар очик сув юзаси майдони 2008-2022 йиллар оралиғида ўзгаришлари 4-расмда кўрсатилган.




4-расм. Жанубий Оролбўйи кўллари очик сув юзаси майдони йиллик ўртача қийматларининг 2008-2022 йиллардаги ўзгариши

Мазкур йилларда кўллар очик сув юзаси динамикаси 2008 йилдан 2010 йилгача ўсиб бориши қайд этилган, 2010 йилда бутун давр учун максимал қиймат кузатилган (933,8 км²). Бир йилдан кейин, кўлларнинг очик сув юзаси майдони деярли 6 карра қисқариб кетган. Шунини таъкидлаш керакки, кўлларнинг очик сув юзаси майдони охириги 3 йилда 35-49 % га қисқариб, минимал қиймат – 170,3 км² га этган.

Диссертациянинг тўртинчи боби “Жанубий Оролбўйи кўллари мониторинги ва улар натижаларининг гидрологик ҳисоблашлар амалиётида фойдаланиш” деб номланган. Диссертациянинг ушбу бобида, кўллар сув юзаси космик тасвирлар ёрдамида мониторинги амалга оширилган ҳамда сув баланси тузилган. Ишда «куруқлик-сув» юзаларини ажратишда MNDWI спектрал индексидан фойдаланилган.

Google Earth Engine томонидан ишлаб чиқилган веб-интерфейс эксперт тизими исталган Landsat 5, 7 ва 8 тасвирларини қайта ишлаш имконини беради. Юқоридаги маҳсулотлар асосида хариталаш ва кўлларнинг фаза майдонларини ҳисоблаш ишлари ArcGIS дастурида, визуал талқин қилиш усули билан амалга оширилган (5-расм). Кўллар сув юзаси 1984-2021 йиллар оралиғи учун мониторинг қилиниб, “Кўлда сув пайдо бўлиши”, “Кўлда сув пайдо бўлиш жадаллигининг ўзгариши” ва “Кўлда ўтиш фазалари” номли хариталари тузилган. “Surface water occurrence” (SWO) деб номланган маҳсулот асосида ArcGIS дастурида “Кўлда сувнинг пайдо бўлиши” харитаси тузилган. Харитада 1984-2021 йиллар оралиғида ер усти сувлари қаерда тўпланганлигини кўрсатиб, умумий сув юзаси майдонининг йиллараро ва йиллик ўзгарувчанлигини ҳақида маълумот берилган.



5-расм. Кўл сув юзаси майдонини Google Earth Engine платформасида ва ArcGIS дастурида ҳисоблаш


Ҳисоблаш натижаларига кўра, Мўйноқ кўрфазида доимий сув юзаси 8,76 км², мавсумий сув юзаси 121,9 км², Сарибасда доимий сув юзаси 27,7 км², мавсумий сув юзаси 11,4 км², Междуречеда доимий сув юзаси 109,05 км², мавсумий сув

юзаси 200,5 км², Жилтирбасда доимий сув юзаси 63,3 км², мавсумий сув юзаси 409,4 км², Дауткўлда доимий сув юзаси 48,44 км², мавсумий сув юзаси 29,9 км², Судочеда доимий сув юзаси 161 км², мавсумий сув юзаси 544 км² ни ташкил этган.

“Occurrence shange intensity” деб номланган маҳсулот асосида ArcGIS дастурида “Кўлда сув пайдо бўлиш жадаллигининг ўзгариши” харитаси тузилган. Харитада 1984-1999 ва 2000-2021-йиллар оралиғида ер усти сувларининг пайдо бўлиши, кўлнинг қайси қисмида сув кўпайган, камайган ёки ўзгармаганлиги ҳақида маълумот берган.

Кўлда сув пайдо бўлиш жадаллигининг ўзгариш ҳолати ўрганилганда Мўйноқ кўрфазида 37 йил давомида сув юзаси 70,04 км² га қисқарган, фақат 37,57 км² майдонида сув сақланиб қолган. Бу қийматлар Сарибасда 4,8 км² га қисқарган, 30,9 км² майдонида сув сақланиб қолган, Междуречьеда 140,05 км² га қисқарган, 152,6 км² майдонида сув сақланиб қолган, Жилтирбасда 173,13 км² майдон қисқарган, 126,2 км² майдонида сув сақланиб қолган, Дауткўлда сув юзаси майдони 26,5 км² га қисқарган, 51 км² майдонида сув сақланиб қолган, Судочьеда 89 км² майдон қисқарган, 284 км² майдонида сув сақланиб қолган.

2008-2022 йиллар давомида Жанубий Оролбўйи кўлларининг сув балансини тенгламаси Jupyter Notebook лойиҳасининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган (<https://jupyter.org>). Шу мақсадда Python дастурлаш тилида сув баланси тенгламасига асосланган автоматлаштирилган компьютер дастури ёзилган. Дастурга кириш маълумотлари сифатида атмосфера ёғинлари, буғланиш ва оқим ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилган. Ҳисоблаш натижалари якунида чиқувчи маълумотлар Excel форматида тақдим этилган (6-расм).



6-расм. Судочье кўлининг йиллик сув баланси (2008-2022 йй.)

Ҳисоблашлар натижаларига кўра Судочье кўлида 2008-2022 йиллар учун сув балансининг таркибий қисмида, сув захираси ўзгариши мусбат қийматга эга, яъни 29 млн м³ га тенг. Сув балансининг кирувчи қисми 484 млн м³, чиқувчи қисми 456 млн м³, шундан сув юзасидан буғланиш 164 млн м³ ни ташкил қилган.

Кўлнинг сув балансини ҳисоблаш натижасида, сув баланси кирим элементларнинг асосини ер усти оқими ва атмосфера ёғинлари ташкил этиб, уларнинг нисбий қийматлари мос равишда 97,9 % ва 1,85 % тенг бўлган. Чиқим элементларнинг асосий қисми кўлдан чиқиб кетаётган ер усти оқими ҳамда кўлдаги сув юзасидан бўладиган буғланиш бўлиб, уларнинг улуши мос равишда 76,69 % ва 22,9 % ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал

Жанубий Оролбўйи кўлларининг сув баланси (2008-2022 йй.)

Кўл		Сарибас	Мўноқ кўрфази	Междуречье	Судочье	Жилтирбас	
							Сув баланси элементлари
Кирим қисми	Кирувчи оқим	млн. м ³	158,7	126,7	2355	467,8	605
		%	98,5	99	99,7	97	98,7
	Атмосфера ёғинлари	млн. м ³	2,5	1,4	6	16,4	8
		%	1,5	1	0,3	3	1,3
	Йиғинди, млн. м ³		161,1	128,1	2361	484	613
Чиқим қисми	Чиқувчи оқим	млн. м ³	207,1	28,2	1487	135,3	474
		%	86	40	88	30	71
	Сув юзасидан буғланиш	млн. м ³	26,5	14	61	164	86
		%	11	20	4	36	13
	Ботқоқлик, камишзордан буғланиш	млн. м ³	6,3	27	96	156	103
		%	3	40	8	34	16
	Йиғинди, млн. м ³		239,9	70	1697	456	663
Сув захирасининг ўзгариши, млн. м ³		-78	58	717	29	-50	

Шуни таъкидлаш керакки, кўл сув баланси элементларининг миқдорий қийматлари Амударё оқимига ҳамда Междуречье сув омборидаги сув ҳажмига қараб ўзгаради.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот ишда олинган натижалар таҳлили асосида қуйидаги хулосалар ва илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. Жанубий Оролбўйи кўлларини ўрганиш бўйича мавжуд манбалар ва кузатув маълумотлари таҳлили кўлларнинг мониторинги масаласини ҳал қилиш учун етарлича ўрганилмаганлиги аниқланган.

2. Тадқиқотда Жанубий Оролбўйидаги 5 та гидрографик ҳудудлар гидрографик тармоқларининг ҳозирги ҳолатини баҳолаш натижасида, Амударё дарёси оқими камайиб кетишига боғлиқ ҳолда 40 дан ортиқ ўрта ва кичик кўллар, жумладан катта ҳажмдаги Қоражар ва Домалақ кўллари ҳам қуриб қолганлиги аниқланган. Кўлларнинг қуриб бориши ҳудуд экологиясига, флора ва фаунасига ҳамда аҳоли турмуш тарзига, унинг саломатлигига катта салбий таъсир кўрсатади.

3. Ердаги кузатиш ва сунъий йўлдош маълумотларидан биргаликда фойдаланган ҳолда Жанубий Оролбўйи кўлларининг 2008-2022 йиллардаги сув сатҳи режими таҳлили кўра, сув сатҳининг амплитудаси 0,23-4,24 м гача тебранган. Ердан кузатиш ва сунъий йўлдош маълумотлари орасидаги мувофиқликни статистик таҳлил қилиниб, уларга тегишли тузатмалар киритиш натижасида Судочье кўли сув сатҳини сунъий йўлдош ёрдамида аниқлаш усули ишлаб чиқилган.

4. 2008-2022 йиллардаги Landsat 7, 8, 9 сунъий йўлдошларидан олинган 144 та тасвирларни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш натижаларига кўра, 2008 йилдан 2010 йилгача Жанубий Оролбўйи кўллар очик сув юзаси майдонлари динамикаси ижобий бўлиб, 2010 йилда бутун давр учун максимал қиймат (933,8 км²) кузатилган. Охирги 3 йилда (2019-2022 йй.) кўллар очик сув юзаси майдонининг камайганлиги аниқланган.

5. J.F.Pekel таклиф этган алгоритм асосида 1984-2021 йилларда кўллар сув юзалари майдонларининг кўп йиллик ўзгаришлари аниқланган ва “Кўлда сув пайдо бўлиши”, “Кўлда сув пайдо бўлиши жадаллигининг ўзгариши” ва “Кўлда ўтиш фазалари” хариталари ишлаб чиқилган. Ҳисоблашларга кўра, кўллар сув юзаси майдони 37 йил давомида сезиларли қисқарган, жумладан, Сарибас кўли майдони 29 %, Междуречье 65 %, Жилтирбас 87 %, Дауткўл 38 %, Судочье 77 % га камайганлиги аниқланган.

6. Тадқиқот натижасида Мўйноқ, Сарибас, Междуречье ва Дауткўл кўллари мавсумий (баҳор, ёз) характердаги кўлларга айланаётганлиги ҳамда Судочье ва Жилтирбас кўлларининг гидрологик режимлари нисбатан барқарор эканлиги, яъни янги оқим келиб қуйилмаса ҳам ўзидаги сувни бир йил давомида ушлаб туриши мумкинлиги аниқланган.

7. 2008-2022 йиллар учун кўлларнинг сув баланси тенгламаси тузилган ва сув баланси таркибий қисмларининг миқдорий қийматлари баҳоланган. Кўлнинг сув баланси элементларини ҳисоблаш натижасига кўра кўл сув баланси кирувчи қисмини асосан ер усти оқими ва атмосфера ёғинлари ташкил этади, уларнинг нисбий қийматлари мос равишда 64-98 % ва 2-39 % ни ташкил қилади. Сарф қисмини асосан ер усти оқими ва ботқоқликдаги қамишзорлардан буғланиш ташкил этади, уларнинг улуши мос равишда 25-85 % ва 4-64 % га тенг бўлган.

8. Кўллар сув юзаси майдонини ҳисоблашда сунъий йўлдош тасвирларини қайта ишлашнинг MNDWI индекси нисбатан яхшироқ аниқликка эришиши тадқиқотда ўз исботини топган. Мунтазам мониторинг тизимини ташкил этишда мазкур усулдан фойдаланиш тавсия этилган.

9. Кўллар сув сатҳини анъанавий усулларда кузатишдан ташқари альтиметр радарлари ёрдамида гидрологик кузатишларни йўлга қўйиш сув ресурсларнинг ҳисобини юритиш самарадорлигини ошириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КАЛАБАЕВ САЛАУАТ БАХИТБАЙ УЛИ

**ГИДРОЛОГИЧЕСКИЙ РЕЖИМ И МОНИТОРИНГ СОВРЕМЕННОГО
СОСТОЯНИЯ ОЗЁР НА ТЕРРИТОРИИ ЮЖНОГО ПРИАРАЛЬЯ**

11.00.03-Гидрология суши. Водные ресурсы. Гидрохимия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за номером B2023.4.PhD/Gr291.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский-резюме) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.nigmi.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Адибаев Бахтиёр Ембергенович
доктор географических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Муратов Шухрат Одилович
доктор технических наук, профессор

Пирназаров Равшан Топволдиевич
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «4» июля 2025 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней DSc.27/30.12.2019.Gr.47.01 при Научно-исследовательском гидрометеорологическом институте (Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71-135-85-12, факс: (+998) 71-237-13-13; E-mail: info@nigmi.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Научно-технической библиотеке Научно-исследовательского гидрометеорологического института (зарегистрирован за №230). Адрес: 100052, г.Ташкент, ул. 1-й проезд Бодомзор йули, 72. Тел.: (+998) 71-135-85-12, факс: (+998) 71-237-13-13; E-mail: info@nigmi.uz

Автореферат диссертации разослан «19» июня 2025 года.
(реестр протокола рассылки № _____ от «___» _____ 2025 года).



Б.М.Холматжонов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.г.н., профессор

Б.Э.Нишонов
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.т.н., старший научный сотрудник

Д.М.Тургунов
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.г.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня в мире, особенно в аридных регионах, в результате глобального изменения климата деградация водоёмов с каждым годом продолжает увеличиваться. В связи с этим, в отчёте Организации Объединённых Наций о состоянии мировых водных ресурсов отмечается, что «... во многих странах мира пресноводные экосистемы, особенно реки и озёра, подвергаются сильной деградации. Уровень воды и площадь озёр сокращаются, и некоторые из них находятся под угрозой полного исчезновения»¹. Эта ситуация требует проведения исследований, направленных на изучение гидрологического режима озёр, расположенных в аридных климатических зонах и осуществление их мониторинга.

В мире проводятся исследования по изучению водного баланса, гидрометеорологического режима озёр, в частности режима уровней вод, и в зависимости от этого процесса изменений их морфометрических показателей, температурного режима, гидрохимических характеристик естественных водоёмов. В связи с этим, использование ГИС технологий и методов дистанционного зондирования при мониторинге состояния водных объектов привлекает внимание многих исследователей. Также сегодня особое внимание уделяется мониторингу озёр, находящихся в сложных экологических условиях и совершенствованию методов определения их морфометрических показателей.

В нашей республике уделяется особое внимание организации мониторинга гидрологического режима и современного состояния водных объектов, в том числе озёр Южного Приаралья, и достигаются определенные положительные результаты. В частности, в цели 69 стратегии «Узбекистан – 2030» ставятся важные задачи по «стабилизации экологической обстановки в регионе Приаралья и смягчению негативного воздействия экологических проблем, возникших в результате высыхания Аральского моря»². Достижение этой цели предполагает комплексное изучение гидрологического режима озёр Южного Приаралья. В связи с этим исследования, направленные на количественную оценку приходной и расходной составляющих водного баланса озёр этого региона и проведение их мониторинга, имеют важное научное и практическое значение.

Диссертационное исследование в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-158 «О стратегии “Узбекистан – 2030”» от 11 сентября 2023 года и в Постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан №31 от 18 января 2022 года «О дополнительных мерах по созданию “Зелёного покрова” – защитных лесов на обсохшем дне Аральского моря и в Приаралье», №686 от 30 ноября 2022 года «О мерах по реализации проекта “Сохранение и

¹ Three reports on freshwater from UN-Water and the United Nations Environment Programme (UNEP). Nairobi, 28 august 2024. <https://www.unep.org/news-and-stories/press-release/half-worlds-countries-have-degraded-freshwater-systems-un-finds>

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-158 от 11 сентября 2023 года «О Стратегии развития Узбекистана до 2030». [https:// www.lex.uz](https://www.lex.uz) .

управление озёрами, водно-болотными угодьями и прибрежными территориями как основы, поддерживающей устойчивую жизнь на деградированных землях ландшафта водоёма Аральского моря” при участии программы развития Организации Объединенных Наций и Глобального экологического фонда» и другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Исследования, направленные на изучение озёр аридных регионов и их гидрологического режима, проводились зарубежными учёными, такими как S.K.McFeeters, P.Xu, F.Sun, G.L.Feyisa, J.F.Pekel, J.Benveniste, C.Birkett, S.Calmant.

Изучением данной проблемы также занимались учёные бывшего Союза и стран СНГ Л.С. Берг, Г.В.Лопатин, Р.С.Деньгина, М.М.Рогов, В.Л.Шульц, И.В.Рубанов, Д.В.Севастьянов, В.Аленицин, В.А.Бондар, Б.В.Андрианов, О.М. Житомирская, Б.Д.Зайков и другие.

В Узбекистане на равнинных и горных озёрах исследования, посвящённые изучению уровня режима, водного баланса и количественной оценке его элементов выполнены А.М.Никитиным, У. Аширбековым, А.Б.Бахиевым, А.А.Рафиковым, В.А.Духовным, Е.Курбанбаевым, Г.Н.Трофимовым и другими. В последние годы исследованиями по данной проблеме занимаются В.А.Рафиков, Ф.Х.Хикматов, Э.И.Чембарисов, А.К.Курбаниязов, С.Е.Курбанбаев, Ш.М.Кенжабаева, Б.Е.Аденбаев, С.В.Мягков, Ф.Я.Артикова, И.В.Дергачёва.

Данная диссертационная работа отличается от предыдущих исследований тем, что она посвящена изучению гидрологического режима озёр Южного Приаралья и организации их мониторинга на основе данных дистанционного зондирования.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках фундаментальных и прикладных проектов плана научно-исследовательских работ Национального университета Узбекистана ОТ-Ф5-13 – «Исследование закономерностей формирования гидрологического режима и водных ресурсов рек Узбекистана и сопредельных территорий в условиях изменения климата» (2017-2020 гг.), плана научно-исследовательских работ Каракалпакского государственного университета ИЛ-632204180 – «Улучшение свойств почвы путём внесения биопрепаратов в сухое дно Аральского моря и подбора солеустойчивых видов путём использования минерализованной коллекторной воды для выращивания пастбищных культур» (2022-2024 гг.) и плана научно-исследовательских работ Научно-исследовательского гидрометеорологического института АЛМ-202403110252 – «Моделирование гидрологического режима

природных озёр Узбекистана с использованием современных геоинформационных систем» (2024-2026 гг.).

